



XASR

IJTIMOIIY-
SIYOSIY
GAZETA

Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 5-DEKABR, DUSHANBA, 51 (683)-SON

e-mail: xxi_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz



ЎЗБЕКISTОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 4 декабрь куни овоз бериш учун Тошкент шаҳридаги 132-сайлов участкасига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги кафолатланган. Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлайдиган миллий сайлов тизими яратилди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ Бош қомусимиз ҳамда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар бу тизимни янада такомиллаштирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ана шу муқамал қонунчилик базаси ва умумэтироф этилган халқаро принципларга мос ҳолда ўтди.

Биринчи Президентимиз белгилаб берган давлат сиёсати ва тараққиёт тамойиллари мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг асосий омил бўлмоқда. Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик, қулай инвестиция муҳити самара-

сида халқаро ҳамкорлик тобора ривожланмоқда. Иқтисодиёт изчил модернизация қилинаётгани туфайли унинг рақобатбардошлиги, экспорт салоҳияти ошмоқда. Хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожига замонавий товар ва хизматларни кўпайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш имконини бермоқда. Қишлоқ ҳўжалиги таркибий ўзгарилаётгани, мева-сабзавот етиштириш кўпаяётгани натижасида бозорларимиз тўкин ва фаровон бўлиб бормоқда.

Ушбу суръатни изчил давом эттириш, давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, маҳаллий бюджетлар даромадини кўпайтириш, ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мамлакатимиз равақи ва халқимиз ҳаёт даражасини янги босқичга кўтарди.

Президент сайлови мамлакатимизнинг буғуни ва келажаги учун муҳим сиёсий воқеадир. Бунинг учун ҳис этган ватандошларимиз сайловда фаол иштирок этди. Ҳар бир сайловчи хоҳиш-иродасини эркин ифода этиб, ўзининг ва халқимизнинг фаровонлиги, юртимиз тинчлиги ва оқилолиги, Ватанимизнинг буюк келажаги учун овоз берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси
2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган
Президент сайловида овоз беришнинг
жорий яқунларини эълон қилди.

Марказий сайлов комиссияси Президент сайловининг жорий яқунларини эълон қилди

4 декабрь куни Тошкент вақти билан соат 20 да Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаларида овоз бериш яқунланди.

Дастлабки маълумотларга кўра, сайловда 17 миллион 941 мингдан зиёд сайловчи иштирок этди. Бу жами сайловчиларнинг 87,8 фоиздан ортигини ташкил этади.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида халқаро кузатувчилар, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда шу ҳақда маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида", "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунларда мустаҳкамланган халқаро демократик меъёр ҳамда тамойилларга риоя этилган ҳолда очик ва ошқора ўтгани таъкидланди.

Мамлакатимиз фуқаролари сайловда юксак сиёсий ва фуқаролик фаоллигини намойиш этди. Соат 11 га қадар сайловчиларнинг 33 фоиздан ортиги овоз беришда иштирок этгани бунинг яққол тасдиғидир.

Овозларни санаб чиқишда сайлов участкаларида сиёсий партиялардан 37 мингдан зиёд кузатувчи, халқаро кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

СЎЗ – ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРГА

Ўзбекистон Президенти сайлови қонун талаблари ва халқаро меъёрларга мос ўтди

Мамлакатимизда 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг 500 дан ортиқ вакили кузатувчи сифатида иштирок этди.

ЎЗА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлиб, мамлакатимиз сайлови тизими, Президент сайловига кўрилган тайёргарлик, овоз бериш жараёни, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самаралари ҳақидаги фикрларини ёзиб олди.

Игорь ЧАМОВ,
Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик
ташкilotи Демократик институтлар ва
инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси
миссияси вакили:

– Ўзбекистон Президенти сайловини кузатиш учун келган халқаро кузатувчилар қаторида ташкилотимиз вакиллари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёни билан яқиндан танишди. Сайловда халқингизнинг бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги ва сиёсий фаоллигига яна бир бор амин бўлдим. Мамлакатингизга илк бор келиб, бу тарихий воқеада кузатувчи бўлиб қатнашаётганимдан хурсандман.

Масанори АИКЕ,
Аичи Миллий университети
президенти (Япония):

– 14-Тошкент сайлов округида ва бир неча сайлов участкасида бўлиб, аҳолининг овоз бериш жараёнини кузатдим. Аҳоли сайловга жиддий ёндашаётгани менда яхши таассурот қолдирди. Сайлов очик-ошқора, демократик руҳда ўтди. Ўзбекистондаги бу қадар юксалиш диққатга сазовор.

Ҳуқуқшуносман. Тошкент давлат юридик университети билан яхши алоқаларни йўлга қўйганмиз. Шу ўринда Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги муваффақиятларини ҳам таъкидлаб ўтишни истардим. Мамлакатингиз ёшлари халқаро майдонда ўз салоҳиятини намойиш этмоқда. Япония-

даги университетларда таълим олаётган ўзбек ёшлари кўп. Келгусида Ўзбекистон билан Япония алоқаларини янада кенгайтириш, хусусан, АКТ соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантиришдан умидворимиз.

Михаил КОЗЛОВ,
Россия Федерал Мажлиси Федерация
кенгашининг Мудофаа ва хавфсизлик
қўмитаси аъзоси:

– Бу сайлов ўзбек халқи ўз келажаги, ўз Ватани тараққиёти учун катта ва муҳим қадам қўйганининг амалий ифодаси бўлди. Сайловнинг юксак уюшқоқлик ва фаоллик билан ўтганида мамлакатдаги тинчлик ва барқарорлик муҳим омил бўлди, деб ҳисоблайман.

Гао ЮЙШЭН,
Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар
вазирлигининг махсус элчиси:

– Мен бир қатор сайлов участкаларига бориб, эрта тонгдан одамларнинг овоз бериш жараёнида фаол иштирок этганига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистондаги сайловлар миллий қонунчилик ҳамда халқаро андозаларга тўла мос тарзда ўтди. Сайлов участкаларида барча тоифадаги сайловчилар, жумладан, алоҳида эҳтиёжли фуқаролар, болали аёллар, кексалар учун қулай шароит яратилгани эътиборга сазовор.

Давоми 2-саҳифада >>

Мамлакатимизга Қозоғистон
Республикасининг турли соҳаларда
фаолият олиб бораётган вакиллари
ибора делегацияси ташриф буюрди.

Қадимий дўстлик ришталари мустаҳкамланмоқда

Шу муносабат билан Тошкент вилоятининг "Фишткўприк" божхона постида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Б. Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Р. Қўшербоев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ш. Турдиқулов ва бошқалар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари йилдан-йилга ривожланиб, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқалар юксалиб бораётганини таъкидлади. Азалдан яқин қўшни сифатида тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаб келаётган ўзбек ва қозоқ халқларининг тарихи, тили, урф-одат, анъана ва қадриятлари ҳам ўхшаш.

Делегация аъзолари дастлаб пойтахтимизда Биринчи Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Ҳазрати Имом жомеъ масжиди билан танишди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси халқаро алоқалар бўлими мудири М.Шокиров меҳмонларга мажмуанинг тарихи, мустақиллик йилларида бу ерда амалга оширилган кенг кўламли тиклаш, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, мажмуада жойлашган тарихий обидалар ҳақида маълумот берди.

Давоми 3-саҳифада >>



Сайлов давомида жойлардан сайлов қонунчилиги бузилиши ҳақида хабар келиб тушмади.

5 декабрь куни бўлиб ўтадиган брифингда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижалари эълон қилинади. Шу куни халқаро кузатувчилар миссиялари ҳам матбуот анжуманлари ўтказилади.

Бехзод БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири

Барқарор тараққиёт ва бахтли келажак учун овоз бердик!

Мамлакатимизда халқаро стандартларга мос миллий сайлов тизими шакллантирилиб, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқи амалда таъминлангани халқимизнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги, эл-юрт тақдирига даҳлдорлик ҳисси тобора юксалишида муҳим омил бўлмоқда. Айтиш керакки, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий белгиси бўлмиш сайловлар шундай муҳим жараёнки, бунда ҳар бир инсон юрт тақдири, ўз келажагининг ҳимояси учун қайғуради ва овоз беради. Бир неча ойдан бери интиқлик билан кутилган 4 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни ҳам юртдошларимиз қалбида ўзига хос юксак даҳлдорлик туйғулари намойиши билан эсда қоладиган бўлди.

Давоми 2-, 3-, 4-саҳифаларда >>

Ўзбекистон Президенти сайлови қонун талаблари ва халқаро меъёрларга мос ўтди

« Давом. Бошланғич 1-саҳифада

Доминик ТИЛЬМАНС, Бельгия Қироллигининг фахрий сенатори:

– Ўзбекистонга ҳар сафар келганимда улкан ўзгаришлар, ҳайратланарли ривожланишнинг гувоҳи бўламан. Ўзбекистон сайлов тизими такомиллаштирилган. Очқилик, тенглик ва ҳолислик каби демократик талаблар таъминланган. Мен сайлов жараёнини бевосита кузатдим, демак, ушбу жараёнга тўғри ва ҳолис баҳо бера оламан. Ўзбекистоннинг миллий сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгаришлар ва қўшимчалардан хабаримиз бор. Турли миллатлар, имконияти чекланган фуқаролар учун тенг қулайликлар яратилгани – бу демократиянинг ёрқин кўриниши. Сиёсат соҳасида 27 йиллик таърибга эгаман. Бинобарин, сайлов тизимини яхши тушунаман ва шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юқори даражада ташкил этилган, деб ҳисоблайман.

Лесли ВИГЕРИ, АКШ элчихонаси раҳбарининг ўринбосари:

– Тошкент шаҳридаги бир қатор сайлов участкаларида бўлиб, инсонларнинг яхши кайфиятда овоз берганини кузатдим. Хорижий кузатувчиларнинг фаолият юритиши учун барча шароит яратилгани Ўзбекистонда сайлов халқаро нормаларга тўлиқ мувофиқ равишда, демократик принциплар асосида очiq ва ошқорга ўтганидан далолат беради.

Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва оқилоллик халқининг энг катта ютуғидир. Бундай мамлакатда тараққиёт бўлади. Одамлар эртанги кунга ишонч билан қарайди. Аҳолининг сайлов жараёнига қизиқиши, сиёсий билимдонлиги ва фаоллиги жуда баланд.

Вента КОЦЕРЕ, Латвия университетининг академик кутубхонаси директори:

– Ўзбекистонга ҳар гал келганимда бу ердаги оламшумул ўзгаришлар ҳавас уйғотади. Биринчи Президент Ислоом Каримов томонидан Ўзбекистонда ажодлар меросини асраб-авайлаш борасида амалга оширилган ишлар салмоғини кўриб ҳайратга тушмаслик мумкин эмас.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ҳамда Тошкент шаҳридаги Инҳа университетидеги сайлов участкаларида овоз бериш жараёни кузатиб, Ўзбекистон халқи нанки ўтмишга ҳурмат, балки келажакка ҳам юксак ишонч билан қарашига амин бўлдим. Юқори ташкилий тайёргарлик, сайловчилар фаоллиги ҳамда мазкур жараён иштирокчиларининг ҳам-жиҳатлиги сайловнинг муваффақиятли ўтишини таъминлади, деб ўйлайман.

Овоз бериш жараёнида нафақат сайловчилар, балки уларнинг фарзандларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Сайлов участкаларидаги она ва бола, тиббиёт хоналари, айтиш жоизки, сайлов тизимидега нодир амалиётдир.

Мамлакатимизда Президент сайловини кузатишда хорижий кузатувчилар, халқаро ташкилотлар вакиллари

Мина СИНГХРОЙ,

Ҳиндистон мудофаа вазирилик қошидаги илмий-стратегик таҳлиллар институти эксперти:

– Сайловда хотин-қизларнинг низоҳатда фаол қатнашгани диққатимни тортди. Овоз бериш учун сайлов участкаларига келган кўлаб аёллар билан ҳамсуҳбат бўлдим. Уларнинг ҳаммаси Президентликка номзодларнинг дастурий гоълари, мақсад-вазифаларидан яхши хабардорлиги ҳам алоҳида эътиборга молик. Чунки бу сиёсий кампания давомида тарғибот-ташвиқот ишлари мукамал йўлга қўйилганидан, тўртала номзодга ҳам тенг имконият, шарт-шароит яратилганидан далолат беради.

Мен мулоқот қилган аксарият сайловчилар мамлакат аҳолининг орзу-интилишларини рўйга чиқаришга қодир энг муносиб номзодни қўлаб-қувватлашга аҳд қилганликлари, Ватан тақдирига бефарқ эмасликлари ҳақида фаҳрга тўлиб сўзладилар. Мени қувонтирган ва ҳаяжонга солган нарса, Ўзбекистонда инсон кадр-қиммати гоът юксак экани бўлди. Аҳолининг ҳамма тоифалари бемалол ўзларининг фуқаролик бурчини адо этишди. Ҳатто кўзи ожизлар учун ҳам зарур шароитлар яратилган. Ногиронлар, бемор қариялар ва бошқа имконияти чекланганлар ўз уйларида овоз беришди. Яна бир ҳайратланарли жиҳати, сайлов куни жамоат транспортининг бепул хизмат кўрсатганидир. Демократик тамойиллар анча тараққий этган деб ҳисобланадиган давлатлар ҳам бу борада сизлардан ўрганса арзийди.

Б. ИСРОИЛОВ ёзиб олди.

ва экспертлар “Press klub: Saylov.uz – 2016” пресс-клубида ҳам бўлиб, бу ерда ташкил этилган матбуот анжуманлари ва брифингларда қатнашди. ЎЗА мухбири уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Эдгар КЛОЗЕ, Бранденбург Технологиялар ва инновацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш институти президенти (Германия):

– Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, машҳур беш тамойилга асосланган тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида мамлакатнинг барча соҳаларда юксак натижаларга эришмоқда. Мамлакатнинг эътибор олиб борилаётган ислохотлар замирида аввало инсон манфаатларини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдек олижаноб мақсадлар қўзланган.

Пойтахтнинг 409, 213, 348-сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш жараёни билан танишдим. Сайловчилар эрта тондан сайлов участкаларига келиб, ўз номзодига овоз берди. Уларнинг кайфияти баланд, сайлаётган номзодига ишончи мустаҳкам.

Мазкур сайлов Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга олиб чиқишига хизмат қилиши шубҳасиз. Одамларда мамлакат тақдирига дахлдорлик туйғуси ортгани яққол кўзга ташланди. Бу мамлакатнинг демократик ислохотлар амалий натижалар бераётганининг ифодасидир.

Аҳмед Нуби МУСА, Миср Араб Республикаси ахборотлаштириш ишлари вазири ўринбосари:

– Сайловда тўртта партиядан номзод тенг шароитларда рақобатлашгани Ўзбекистонда демократик андозалар даражасидаги профессионал сайлов тизими яратилганидан далолатдир.

Сайловни биз билан келган бир гуруҳ журналистлар ҳам кузатди. Матбуот анжуманларидан, жойлардан тезкор репортажлар бериб борди. Бу ҳам сайловнинг адолатлилиги, очiq-ошқоралигининг исботи.

Ли Жи ЁН, Хангук хорижий тиллар университетининг Марказий Осиё кафедраси мудири (Корея Республикаси):

– Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоом Каримов мамлакатнинг мустақил ривожланиш йўлини белгилаб берди. Бугун халқингиз бу йўлда юксак марраларни қўлга киритаётди.

Сайловда ёшлар фаол иштирок этгани таҳсинга сазовор. Улар учун яратилган имкониятлар, қурилаётган замонавий маданият ва санъат масканлари, институт ва университетлар ёш авлоднинг келажиги, ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти сайловини кузатиш учун ўнлаб давлат ва қатор халқаро ташкилотлар вакиллари келган. Улар ушбу сайлов қандай ўтганини ўз мамлакат ва бутун дунёга ёяди. Бу тадбир натижалари Ўзбекистон учун, халқингиз учун хайрли бўлишини, мамлакатингиз янада улкан муваффақиятларни қўлга киритишини тилайман.

ЎЗА

Ўзбекистон Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш учун мамлакатимизга келган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти билан танишди.

Олий Мажлис Қонунчилик Палатасида учрашув

Парламент қўйи палатаси депутатларининг Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси (қўйи палата) депутатлари Қудайбергенов Ержан, Фахриддин Каратаев, Германия Бундестаги халқаро ҳамкорлик бўйича етакчи эксперти Андреас Ян, Россия Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши раисининг ўринбосари Ильяс Умаханов, Бельгия фахрий сенатори Доминик Тилманс хоним ва Бельгия парламенти вакиллар палатаси аъзоси Велл Юксел билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Учрашувларда меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида батафсил маълумот берилди. Парламентлараро ҳамкорликка доир масалалар юзасидан атроф-чиқа фикр алмашилди.

Халқаро кузатувчилар Ўзбекистонда сайловга юксак даражада тайёргарлик қўрилгани, Марказий, округ, участка сайлов комиссиялари самарали фаолият кўрсатаётганига гувоҳ бўлаётганини таъкидлади. Аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва биринчи марта овоз бераётган ёшлар кенг қамраб олингани эътиборга сазовор.

Меҳмонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашини, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришда манфаатдор эканликларини қайд этди. Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва оқилоллик халқининг энг катта ютуғи бўлиб, бундай мамлакатда тараққиёт, демократия бардавом ривож топаверади, деб таъкидлади меҳмонлар.

С. ШОЕВА, ЎЗА мухбири

Фредерик СТАРР: ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИГА ЗАМИН ЯРАТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари, нуфузли олимлар, экспертлар кузатиб борди. ЎЗА мухбири америкалик таниқли олим, Ж.Хопкинс университети ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси, профессор Фредерик Старр билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, сайлов жараёнлари ҳақида суҳбатлашди.

– Ўзбекистон мустақиллик йилларида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида улкан ютуқларга эришди, – деди Ф.Старр. – Бу соҳадаги ислохотлар изчил давом эттирилаётганини таъкидлаш жоиз. Иқтисодий муносабатларнинг лебераллаштирилгани, Омбудсман институтининг ташкил этилгани ана шундай муҳим тадбирлардандир.

Иқтисодий жабҳа билан уйғун равишда суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилмоқда. Масалан, тадбиркорлик субъектлари томонидан содир этиладиган иқтисодий жиноятлар учун тайинланадиган жазолар либераллаштирилган.

Ўзбекистон халқининг ҳуқуқий маданияти юксалганини Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси мисолида кўришимиз мумкин. Мамлакатнинг турли ҳудудларида фуқаролар бемалол, қийинчилик ва тақиқларсиз шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга муаммо-масалалар билан тўғридан-тўғри Бош вазирга мурожаат қилиши ва уларга зудлик билан ечим топилиши мени қувонтирди. Ҳукумат ишларининг очқилигини таъминловчи мазкур саъй-ҳаракат Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривож топаётганининг яққол ифодасидир.

Жаҳон сайлов тизими ва жараёнларидан маълумки, барча учун ягона, мукамал сайлов тизими йўқ. Ҳар бир давлат демократик тамойиллар юзасидан миллий сайлов қонунчилигини яратади. 2015 йил декабрда “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар мамлакатингиз сайлов қонунчилигини янада такомиллаштирган.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан сўнгги уч ойда амалга оширилган ишлар жиддий сиёсий мазмун касб этди. Президентликка номзодлар барча вилоятларга бориб, ўзларининг дастурлари ва аҳоли фаровонлиги, мамлакат тараққиёти учун хизмат қилувчи тақлифлари

билан аҳолини таништирди.

Эътиборга молик жиҳатлардан яна бири Ўзбекистонда кўппартиявийликнинг мавжудлигидир. Бу аҳоли турли қатламларининг интилиши ва қизиқишлари инobatта олингани, номзодлар ўртасида кучли рақобат муҳити яратилганига далилдир. Тўрт сиёсий партиянинг мақсад ва вазифалари, жумладан, улар Президентликка кўрсатаётган номзоднинг таржимаи ҳоли, дастури билан танишиб амин бўлдимки, ҳар бири мамлакатнинг маълум йўналишдаги ютуқ ва ривожини кўзда тутган.

Тошкент шаҳридаги бешта сайлов участкасида бўлдим. Фуқароларнинг рўйхатдан ўтиб, белгиланган хонада яширин овоз бериш жараёнларини кузатдим. Аҳолининг барча қатлами – ёшлар, кексалар, ёш болалари оналар, ногиронларнинг бирдек иштирок этганига гувоҳ бўлдим. Бунинг учун уларга ҳамма шароит яратилган.

Ўзбекистон тарихан қисқа вақтда турли соҳаларда дунёга ўзини намоян қилди. Президент сайлови мамлакатнинг янги муваффақиятларига замин яратади.

ЎЗА мухбири Севара АЛИЖОНОВА ёзиб олди.



Барқарор тараққиёт ва

« Давом. Бошланғич 1-саҳифада

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Мустақил мамлакатимизнинг барча ҳудудиде бўлгани каби Қорақалпоғистон Республикасидаги 591-сайлов участкасининг ҳаммасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови уюшқоқлик, очқилик, ошқоралик тамойиллари, тобора гуллаб-яшнаётган ўлканинг юрт тараққиётига салмоқли улуш қўшаётган фидойи фарзандларининг фаол иштироки асосида бошланди.

Эрта тондан “Дўстлик” ордени – Нукус шаҳри, Тўртқўлдан тортиб Тахтақўпиргача, Эллиққалъадан Қўнғиротгача, Манғитдан Мўйноқгача бўлган аҳоли масканларида яшаётган фуқаролар юртимизнинг бугунги илгор учун овоз беришга эруғ истиқболли учун овоз беришга шарт-шароитлар яратилган.

172-сонли сайлов участкаси Беруний шаҳридаги 6-сон Болалар мусиқа ва санъат мактабининг замонавий биносиде жойлашган. Сайлов участкаси барча зарур алоқа воситалари, компьютер ва таъкилий техника, ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланган. Участка сайлов комиссияси таркибиде илгари сайлов комиссияларининг фаолиятида бевосита иштирок этган ва муайян таърибга эга фуқаролар бор.

– Мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги ушбу муҳим тадбирда иштирок этиши учун “Бўстон” маҳалласининг 1 миң 774 нафар фуқароси рўйхатга олинган, – дейди участка сайлов комиссияси раиси Маҳмуджон Аметов. – Эрталабки соат 6 да сайлов участкаси эшикларини

ни очганимизда биринчилардан бўлиб юзларидан нур ёғилиб турган икки нафар ёши улуг оқсоқол кириб келишди. Уларни танлаган муносиб номзодга овоз бериш билан биргалиқда юртимизнинг обрў-эътибори янада ошсин, халқимиз бунданда фаровон, айниқса, ёш авлоднинг келажиги порлоқ бўлсин, деб дуолар қилишди. Улардан кейин биринчи марта сайловчилар рўйхатига киритилган 44 нафар навқирон ёшлардан бири кириб келди!

– Озод, обод юртимизнинг Бош қонуни – Конституциямиз берган демократик ҳуқуқлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этаётганимдан бехад бахтиёрман, – дейди 18 яшар Достонбек Ибодуллоев. – Мен бугун биринчи марта овоз беришда қатнашдим. Ва менинг тенгдошларимдан тортиб етмиш, саксон яшар отахон ҳамда онахонларгача барча-барчасининг бу сайловларга катта умид боғлаётгани, азиз Ўзбекистонимизнинг қадди янада тик, тенглар ичра тенг, турмушимиз ҳар томонлама фаровон бўлишига ишончи қомил эканини юрак-юракдан ҳис қилдим. Энг муҳими бу юксалишга ҳар ким ўз улушини қўшиш иштиёқи билан яшамокда!

Айтиш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 27 миң 974 нафар навқирон авлод вакиллари биринчи марта овоз бериш бахтига муяссар бўлишди. Уларнинг кўпчилиги эртанги кунда Устюрт бойликларини ўзлаштириш, ҳудуд иқтисодини мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришда фаол қатнашди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови истиқлол ва демократик ис-



лохотлар боис ижтимоий тараққиётнинг юксак босқичига кўтарилган, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш борасида янги марраларни қўзлаётган Хоразм вилоятида ҳам ҳар қачонгидан уюшқоқлик, фаоллик билан бошланди. Мустақил мамлакатимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланган Урганч, барча шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси вакиллари мажмууд 463 та сайлов участкаларига ошқиди.

Бу сайловда Гурлан туманидан 91 миң 403 сайловчининг, шу жумладан, айни кунларда ўн саккиз ёшга тўлган 2 миң 678 йигит ва қиз фаол иштирок этди. Тумандаги 36 та сайлов участкаси эрта тондан сайловчилар билан гавжум бўлди.

– Сайловда илк бор қатнашаётган ўн саккиз яшар йигит ва қизларнинг кўзларида чақнаган умид ва ишонч мени ҳаяжонга солди, – дейди 103-сайлов участкасида овоз берган қишлоқ мулкдори, тумандаги “Ҳайтиммат ота” фермер хўжалиғи раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, О‘зЛиДеР аъзоси Гулимнат Ҳайтиммат

тов. – Бу бахтиёр ёшларни кўриб, ўзим тенги авлоднинг тоғни талқон қиладиган ўн саккиз яшар чоғимиз ёдимга тушди. Фақат истиқлолгина инсоннинг қадрига етди, унга ер ва мулк ҳуқуқини, мулкдорлик мақомини берди. Айниқса, фермер ва тадбиркорлар орасида ёшларнинг сони кўпаяётгани кишини севинтиради. Сайловда партиямиз аъзолари фаол иштирок этгани ҳам эътиборга лойиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳам О‘зЛиДеРнинг нақадар уюшган, ўз фаолиятини мамлакат ҳаёти билан бирга қурган, наинки бугунги кун, балки келажак манфаатлари билан уйғун партия эканини кўрсатди. Бизнинг бугунги сайловда берган овозимиз, танловимиз мамлакатимиз равнақини сифат жиҳатидан янги довонга олиб чиқишига ишонамиз!

Янгибой ҚҲҶҚОРОВ,

“XXI asr” мухбири

БУХОРО ВИЛОЯТИ

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов участкаси бўйича муҳим сиёсий жараёнга пухта ҳозирлик қўрилгани бугун

ЖАРАЁН

Қадимий дўстлик ришталари мустаҳкамланмоқда

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи ўринбосари, Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли қурилиш бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Умमतов Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги 422-сайлов участкасида овоз берди.

Эл-юртимиз равнақи учун овоз бердим

– Сайловда юртдошларимиз фаол иштирок этди, – дейди Эркин Умमतов. – Тонглири тинч-осойишта, одамларнинг кўнгли хотиржам, фаровон юрда яшашнинг ўзи бахт. Фуқаролари эрта-лабдан зғу ниятлари кўнглига тугиб, ўзлари танлаган номзодга эмин-эркин овоз бераётган мамлакат фуқароси эканиндан қалбим гурурга тўлади. Мамлакатимиз тараққиётига дахлдор жараёнда иштирок этар эканман, мустақиллик йилларида кўлга киритган ютуқларимиз бир-бир кўз ўнгимда гавдаланди. Собик тузум даврида барча коммуникация тармоқлари, авваломбор, транспорт-логистика алоқаси қўшни мамлакатлар ҳудуди орқали ўтгани аҳоли учун ҳам, иқтисодиёт учун ҳам қўллаб-қувватлаш зарур эди. Одамларимиз Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл воситасида тўғридан-тўғри боғлайдиган кўнлар тезроқ келишини орзу қиларди. Биринчи Президентимиз раҳнамолигида бу масалага алоҳида эътибор ҳудудиди. Дастлаб Қамчиқ довони орқали замонавий автомобиль йўли қурилди. Жорий йилда мамлакатимиз иқтисодий қудрати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин ифодаси бўлган Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўл линияси ишга туширилди. Бу Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларини юртимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғлаш баробарида, Марказий Осиё – Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўлини бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистоннинг чет давлатларга чиқиш ҳамда экспорт имкониятини, мамлакатимизнинг транзит ролини кенгайтириш борасидаги салоҳиятини ҳам кескин оширади. Мен сайловда ана шундай ютуқларимиз бардавом бўлиши, зғу мақсадларимиз рўёби, Ватанимиз ва халқимиз равнақи учун овоз бердим.

И. АВВАЛБОВ,
ЎЗА мухбири

Шундан сўнг меҳмонлар халқимизнинг муқаддас ислом динига оид бой маънавий-маданий меросини асраб-авайлаш, диёримиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг асарларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, шу соҳада илмий-назарий тадқиқотлар олиб бориш, замон талаблари даражасида малакали мутахассислар тайёрлаш, уларга зарур шароитлар яратиш, шунингдек, аждодларимиздан қолган ноёб манбалар асосида тадқиқ этилган маълумотларни халқимизга етказишга хизмат қилаётган Тошкент ислом университетига бўлди.

Тошкент ислом университети тарих кафедраси мудири С. Аъзамхўжаев университет фаолияти, шу атрофда жойлашган Юнусон мажмуаси, Қалдирғоч бий ва унинг устози Шайхонтоҳур мақбаралари тарихи тўғрисида гапириб берди.

– Ўзбек ва қозоқ халқлари ҳаммаша бир-бирига елкадош бўлган, суянган, – дейди Қозоғистон делегацияси вакили, иқтисод фанлари доктори Б. Сериков. – Вақт синовидан ўтган ушбу дўстлик ришталари мустақиллик йилларида янада мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистонга ташрифимиз мамлакат тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий тадбир – Президент сайлови кўнига тўғри келгани учун делегациямиз Тошкентдаги 307-, 514-, 687-сайлов участкаларида овоз бериш жараёнини кузатиш имкониятига эга бўлди. Шунга амин бўлдики, сайловга тайёргарлик жараёни билан боғлиқ барча масалалар коллегиал йил асосида йўлга қўйилган. Сайлов участкалари жойлашган бинолар атрофини ободонлаштириш, сайловчилар рўйхатини шакллантириш ва бошқа ташкилий масалаларда маҳалла фуқаролар йиғинлари яқиндан кўмаклашгани бизда катта таассурот қолдирди. Ҳар бир сайлов участкасида имконияти чекланган фуқароларга ҳам барча қўлайлик яратилган. Саломатлиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш кўни участкага келолмайдиган сайловчилар учун кўчма кўтидан фойдаланиш имконияти яратилгани таҳсинга сазовор.

Делегация аъзолари XIV асрнинг 80-йилларида Амир Темур ташаббуси билан бунёд этилган, кейинчалик Мирзо Улугбек томонидан қурилиши якунига етказилган Зангиота мажмуасини зиёрат қилди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари И. Иномов мажмуа тарихи, мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз раҳнамолигида бу ерда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик-ободонлаштириш ишлари туфайли мажмуа бутунлай янги қиёфа касб этгани, зиёратчилар учун яратилган замонавий шароитлар ҳақида сўзлаб берди. Меҳмонлар Зангиота туманида ҳудудни ижтимо-

ий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан таништирилди. Улар Ўзбекистонда замонавий таълим ва тиббиёт муассасалари, мухташам турар жойлар, спорт иншоотлари барпо этиш билан бирга, одамлар кўнглили дам оладиган маданият ва аҳоли дам олиш марказлари қурилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этди.

Делегация аъзолари тумандаги “Обод турмуш” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, ҳудудда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, жумладан, қишлоқ аҳоли учун намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаган замонавий уй-жойлар билан танишди.

Уч мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган мазкур маҳаллада намунавий лойиҳалар асосида 180 уй-жой барпо этилган. Янги уйлар табиий газ, ичимлик суви билан таъминланган, алоҳида канализация қудуги ҳамда иситиш тизимига эга. Кўчалар кенг, йўл четларига мевали ва манзарали дархатлар экилган. Меҳмонлар маҳалладаги оталар чойхонаси – гузар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар спорт майдончалари ва стадион фаолиятига юксак баҳо берди.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Д. Мирзажонова, “Обод турмуш” маҳалла фуқаролар йиғини раиси И. Юнусовлар ва маҳалла фаоллари қозоғистонлик меҳмонларнинг маҳалла институти фаолияти ҳақидаги саволларига атрофлича жавоб қайтарди.

Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз раҳнамолигида маҳалла институти фаолиятини такомиллаштириш, унинг жамият ҳаётидаги иштироки, вазифа ва ваколатлари доирасини янада кенгайтириш борасида амалга оширилган изчил ислохотлар, маҳалла, маҳалла раиси ва унинг вази-фалари ҳақидаги маълумотлар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

– Ўзбек халқининг “Бир болага етти маҳалла ота-она”, “Отанг – маҳалла, онанг – маҳалла” деган гаплари мазмунини бугун янада теран англадим, – дейди Жанубий Қозоғистон вилояти Қазгурт туманидаги Ўзбек-қозоқ умумтаълим мактаби директори ўринбосари Б. Собитов. – Бу ерда одамлар яхши кўнида ҳам, ташвишли дамларида ҳам маҳалладошларига суянар экан. Бир оилада хурсандчилик бўлса, бутун маҳалла баҳам кўради. Бир кишининг ташвиши бутун маҳалланинг ташвишига айланади. Маҳалла оқсоқоли ёки кексаларга барча бирдай қўлоқ соли-



ши, бамааслаҳат иш тутиш, одамларнинг бир-бирига эътиборли бўлиши, ғамхўрлик кўрсатиши – бундай олижаноб фазилатлар бошқа ҳеч қаерда учрамайди. Осойишталик ва тараққиётни таъминлайдиган бундай турмуш тарзи – маҳалла тушунчаси фақат ўзбек халқига хос юксак қадрият.

Учрашувда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили асосида амалга оширилган изчил ислохотлар жараёнида маҳалла институтининг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини оширишга қаратилган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Давлат бошқаруви органларининг қўллаб-қувватлаш, маънавий муҳит барқарорлигига эришиш, хотин-қизлар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш сингари ўнлаб вази-фалар айнан мазкур институтда амалга оширилаётгани ҳаётий мисолларда кўрсатиб берилди. Айниқса, маҳалла посбони ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчининг вази-фалари, “маҳалла – таълим муассасаси – оила” ҳамкорлиги фаолияти меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Бугунги глобаллашув даврида ёшларни ёт

гоялар ва турли иллатлардан асраш, навқирон авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб усули – маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Мамлакатларимиз маданият ва санъат соҳасида фол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон халқ усталари Олмаота шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё хўнарамандлари кўргазма-ярмаркасида мунтазам иштирок этади. Остона, Олмаота ва бошқа шаҳарлардаги бадиий галерея ва музейларда машҳур ўзбек мусаввирларининг кўргазмалари намойиш қилинади. Ўзбекистон мусиқа ва театр жамоаларининг Қозоғистонга гастроллари мунтазам йўлга қўйилган. Қозоғистонлик санъаткорлар Самарқандда ўтказилган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ва бошқа қўллаб-қувватлаш маданий тадбирларнинг фаол қатнашчиларидир. Пойтахтимиздаги “Камолот” ёшлар ижод саройида ташкил этилган миллатлараро дўстликни тарғиб этувчи расмлар кўргазмаси ва концерт дастурида бу алоҳида таъкидланди.

Қозоғистон Республикаси делегациясининг ташрифи самимий дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари ривожига яна бир муҳим воқеа бўлди.

Иқром АВВАЛБОВ,
ЎЗА мухбири

Бахтли келажак учун овоз бердик!

ўз амалий натижасини берди, – дейди Бухоро шаҳридаги 14-сайлов участкаси раиси Зиёда Ҳожиёва. – Участкамиз таркибига “Навбахор” ва “Ойбек” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудиди 26 та кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи 2 минг 935 нафар сайловчи, шу жумладан, сайловда илк мартаба иштирок этаётган 31 нафар йигит-қизлар эрта тонгданқо сайлов участкаси жойлашган 13-умумтаълим мактаби биноси томон йўл олишди.

Таъкидлаш ўринлики, мамлакат тақдирини ҳал қиладиган муҳим сиёсий жараёндан ушбу ҳудудда яшовчи, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган бирор киши четда қолгани йўқ. Кўзи ожив инсонлардан 2 нафари, имконияти чекланган 20 нафарга яқин кишилар учун ҳам шароитлар яратилди. Сайлов кўни турли сабабларга кўра ўз уйида бўлмайдиган 14 нафар сайловчи муддатидан олдин овоз беришди. Эл-юрт орасида ҳурмат-эътибор қозонган, миллий сайлов қўнунчилигимизни яхши биладиган 9 нафар кишидан иборат участка сайлов комиссияси аъзолари эътиборидан ҳудудда истиқомат қилувчи 89 ёшли Виктор Каномоно, 86 ёшли Клавдия Штирлова, 76 ёшли Яхё ота Шамсиев, 61 ёшли Солиҳа ая Шодиева каби юртдошларимиз четда қолишмади. Ўз уйларида овоз берган бу отахон ва онахонлар юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги учун беминнат хизмат қилишга тайёр бўлган, ўзлари танлаган муносиб номзодни яқдиллик билан қўллаб-қувватлашди.

– Мен собиқ совет тузуми сайловларида ҳам иштирок этганман, – дейди Қорақўли туманидаги Пахтакор маҳалласида истиқомат қилувчи 95 ёшли уруш ва меҳнат фахрийси Элмурод бобо Жўраев. – У пайтларда ҳаммиси кўр-кўрона амалга оширилган эди. Бугунги давр ёшу қаридан

фаолликни талаб этапти.

Эрта тонгданқо ҳудудимиздаги 324-сайлов участкасига келиб, тенгқурларим, уруш ва меҳнат фахрийлари Шуккур Маматназаров, Жаббор Самодов, Бемурод Холмуродовлар билан бирга овоз бердик. – Тўғриси, ўзим танлаган ва овоз берган номзоднинг сайловолди дастури билан танишганимдаёқ, юртимиздаги хотин-қизлар меҳнати ва яшаш шароити бундан кейин ҳам ҳар доим эътиборда бўлишини ҳис этдим, – дейди Бухородаги оилавий қорхона зардўзи Муқаддас Жумаева. – Зотан, асосий электорати тадбиркор, хўнараманд ва фермерлардан иборат сиёсий партия номзоди халқимиз ишончини тўла оқлаши, мамлакатимизнинг энг тўғри ва ёруғ йўлдан дадил олға олиб боришига ишонаман.

Асқор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

– Украина Республикасининг Луганск вилоятида туғилганман, – дейди сайловчи Юлия Аллаева. – Миллатим украин. 1986 йилда Ворошиловград давлат педагогика институтини тугатиб, ўзбек йиғити Суръат Аллаев билан турмуш қургач, ҳаётимни жаннатмонанд замин – Ўзбекистон билан боғлаганман. Шундан бунён ўзбек адабиётининг асосчиси, улуғ шоир Алишер Навоий номи билан аталувчи гузал шаҳарда ўзбек, тожик, қозоқ, рус, татар ва бошқа ўндан зиёд миллат вакиллари билан оға-инидек аҳил ва иноқ истиқомат қилиб келаялман. Навоий шаҳридаги 13-ўрта умумтаълим мактабида мана 30 йилки, ёш авлодга тарих фанидан сабоқ бераман. Икки ўғил, бир нафар қизим шу заминда дунёга келди. Мактаб ҳамда коллежларда ўқи, касб хўнар эгаллашди. Уй жойли, фарзандли бўлишди. Сен бошқа

миллат вакилисан деб, биров бизга асло таъна қилган эмас. Аксинча қийналган пайтларимизда барча бизга ёрдам қўлини чўзган. Ўзбекларда каттага ҳурмат, кичикка иззат сингари шарқона одоб мезонларини қаттиқ ҳурмат қиламан.

– Юртдошларимизнинг йилдан йилга ҳуқуқий саводхонлиги ва сиёсий фаоллиги ортиб бораётгани кишини қувонтиради, – дейди Кармана туманидаги 73-сайлов участкаси раиси Мухайё Норқулова. – Ҳудудимизда рўйхатга олинган 2 минг 353 нафар сайловчининг 35 нафари биринчи марта сайловда иштирок этди. 19 нафар беморлар хонадонига борганимизда уларнинг боши кўкка етди. 18 нафар фуқаро эса муддатидан олдин овоз бериш учун сайлов участкасига келиб, овоз берди.

Мансур АСЛОНОВ,
“XXI asr” мухбири

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови Самарқандда ҳам байрамона, кўтаринки кайфиятда ташкил этилди. Эрталабдан вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида яшовчи фуқаролар сайлов участкаларига келди. У ерда сайловчилар ўзлари муносиб деб билган номзодларга овоз беришди. Самарқанд давлат чет тиллар институтида ташкил этилган 59-сайлов участкаси ҳам эрта тонгдан сайловчилар билан гавжум бўлди.

– Мен сайлов участкасига етти ойлик чақалогим билан келдим, – дейди Ирина Вохидова. – Она ва бола учун ташкил этилган хонадаги меҳрибон тарбиячилар боламага қараб туришди. Номзодлар ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлганим сабабли, юртимиз, фарзандларимиз бахти-камали учун курашадиган номзодга овоз бердим.

– Президент сайловида қатнашиш мен

учун фахр ва Ватанга муҳаббат туйғусини янада оширди, – дейди Парвина Ғафурова. – Илк бор сайловда қатнашганимдан гоятда бахтиёрман. Ҳозирда Самарқанд педагогика ва хизмат кўрсатиш коллежида таҳсил олялман. Сайловларда яратилган шароитлардан кўнглимиз тўқ.

Вилоятда катта уюшқоқлик билан ўтказилган сайлов халқаро кузатувчиларнинг эътирофига сазовор бўлди. Улар фуқароларимиздаги сиёсий фаоллик,



сайлов участкаларида яратилган имкониятларни бошқа мамлакатларда кузатмаганини таъкидлашди.

Эслатиб ўтамиз, вилоятда 1 минг 30 та сайлов участкаси бўлиб, сайловчилар сони 2 миллион 371 минг 640 нафарни ташкил этади.

Мухаббат РАВШАНОВА,
“XXI asr” мухбири

ҚАШҚАДАРЭ ВИЛОЯТИ

– Бугун тонги соат олтидаёқ барча сайлов участкаларида овоз бериш кўтаринки кайфиятда бошланди, –

дейди 13-Қашқадарэ округ сайлов комиссияси раиси Исмоил Жўраев. – 884 та сайлов участкасида сайловчи ҳам-жиҳатлик ва юқори савияда ўтказиш учун барча шароитлар муҳайё этилди. Воҳамизда рўйхатга олинган 1 миллион 984 минг 42 нафар сайловчидан 55 минг 356 нафари биринчи марта овоз берди. Сайловчиларимизнинг, айниқса, илк бор овоз бераётган ёшларимизнинг қувноқ кайфияти, уларнинг мамлакат

тараққиётида муҳим ўрин тутди, – дейди Касби туман “Шавкат” фермер хўжалиги раиси, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳиби Шавкат Турсунов. – Шу боис озиқ-овқат хавфсизлигимизни таъминлаш, қишлоқ келажаги ва тараққиёти бизнинг зиммамиздалигини юракдан англашимиз.

Истиқлол шарофати туфайли фермер хўжалиги ташкил этиб, қишлоқдошларимизнинг бандлигини таъминлаш бахтига эришдик. Тадбиркорликни ривожлантириш орқали ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, аҳоли ҳаёт даражасини юксалтириш борасидаги ислохотларнинг бардавомлигини таъминлашга қодир муносиб номзод учун овоз берганимдан бахтиёрман.

Гувоҳи бўлдики, сайлов вилоятнинг барча туманларида сайлов қўнунчилиги-га, умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартларга тўла мувофиқ ҳолда ўтказилди. Вилоят аҳолиси юртимиз равнақи ва халқимизнинг бахтли истиқболни учун дахлдорликларини дилдан ҳис этиб, бу жараёнда юксак уюшқоқлик, кўтаринчилик, ҳамжиҳатлик билан иштирок этишди.

– Сайловда туманимиз аҳолиси фаол иштирок этди, – дейди O‘zLiDeP Муборак тумани Кенгаши раиси Панжи Жалилов. – Сайловчи юқори савияда, демократик тамойиллар асосида ўтишини таъминлаш мақсадида жойларда партиямиз электорати ва аҳоли ўртасида тарғибот ишларини олиб борганимиз ҳам бу борада муҳим омил бўлди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

4 ДЕКАБРЬ – САЙЛОВ КУНИ

Барқарор тараққиёт ва бахтли келажак учун овоз бердик!

« Давоми. Бошланиш 1- 2, 3-саҳифаларда

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

9-Сурхондарё округ сайлов комиссиясига қарашли 734 та сайлов участкасида овоз бериш жараёни юксак демократик талаблар асосида ўтди. Рўйхатга олинган 1 миллион 581 минг 214 нафар сайловчининг 37 минг 824 нафари биринчи марта овоз бераётган ёшлар, 119 нафари 100 ёшдан ошганлар, 3 минг 812 нафари биринчи гуруҳ ногиронлари, 2 минг 315 нафари эса кўзи ожиз ногиронлардир.

Шеробод туманидаги 8-сонли Болалар мусика ва санъат мактаби Галагузар маҳалласидаги кўркам масканлардан бири ҳисобланади. 66-сайлов участкаси жойлашган ушбу муассаса кеча ҳар доимидан-да гавжум бўлди. Сўбхи дамдан юрт истиқболига, унинг раванкига ўзини дахлдор деб билган маҳалладошлар овоз бериш учун шошилдилар.

– Эрталаб соат 6.00 да давлатимиз мадҳияси янгради ва тегишли тартибда сайлов қутилари муҳралиб, ҳужжатлар расмийлаштирилган овоз бериш бошланди. Ушбу жараёнда сайлов участкаси аъзоларидан ташқари сиёсий партиялар, маҳаллий ҳамда халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди, – дейди участкаси раиси Панжи Саидқуллов.

Ушбу маҳалла ҳудудида жойлашган Шеробод туман тиббиёт бирлашмасида стационар даволашнидаги сайловчиларга участка аъзолари томонидан гувоҳлар иштирокида овоз бериш имконияти яратилди. Бемор Сожида Чориева ҳам ана шу имкониятдан фойдаланди.

– Сайлов кунини шифохонада бўлсам-да, сайлаш ҳуқуқимдан тўлиқ фойдаландим. Бу борада мен участкамиз аъзоларига миянандорчилик билдириш баробарида мамлакатимизда фуқароларимизни ижтимоий муҳофиза қилишга катта эътибор қаратилганидан мамнунлигимни ҳам таъкидламоқчиман, – деди у.

70 ёшли Ҳалима ая Халиловага эса уйда овоз бериш учун шароит яратилди. Онахон ўз фуқаролик ҳуқуқидан фойдаланар экан, юрт тинчлигини тилаб дуо қилди. Сайлов участкаси 66-сайлов участкаси сайловчилари рўйхатидаги Ҳалима ая сингари 70 ёшдан ошган 43 нафар кексалар ҳам овоз беришди. Айниқса илк бор овоз бераётган ёш ўғил-қизлар учун бу кун қизиқ ва ҳаяжонли бўлди. 66 нафар тенгдошлари қаторида Фарангиз Абдухалилова ўзи танлаган номзодга овоз берди:

– Тўғриси, участкага кириб келишим билан улғайганимни ҳис эта бошладим. Ҳамма жараёнлар тегишли қонунчилик талаблари асосида кечди. Ўзбекистонда Президент сайлови ҳақида шу пайтгача назарий билимга эга бўлган бўлсам, бугун мазкур жараённинг бевоқифа иштирокчисига айландим, – хурсандлигини изҳор қилди у.

Халқ депутатлари Шеробод туман Кенгашига О'зЛиДеРдан сайланган депутат Бўри Омонов партия кузатувчиси сифатида мазкур сайлов участкасида фаолият кўрсатди:

– Қонунчилик, ошқоралик, ҳолислик ва тартиб-интизом ҳамда тенглик сайловолди тарғибот пайтида қандай таъминланган бўлса, бугун ҳам шу даражада бўлди. Участкада қонунда белгиланган ҳуқуқларимдан тўла фойдаландим. Жараён давомида қонунбузилиш ҳолатлари кузатилмади.

Дарҳақиқат, мазкур эътирофлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фуқароларимизга очиклиқ ва ошқоралик принциплари асосида конституциявий ҳуқуқларидан тўла фойдаланиш имконияти берилганининг ҳаётий тасдиғидир.

Муҳиддин ЖАБОРОВ,
"XXI asr" мухбири

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

– Сайлов билан боғлиқ муҳим жараёнлар, тадбирлар, сайлов қонунчилиги оид тарғибот ишлари оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчилик эътиборига мунтазам етказиб борилди, – дейди Президент сайловини ўтказувчи 4-Жиззах округ сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари Парда Холматов. – Вилоятда 466 та сайлов участкаси тузилиб, уларда 814 минг 919 нафар сайловчи рўйхатга олинган бўлса, шундан 21 минг 30 нафари илк бора овоз беришди.

Улардан 5 минг 435 нафари ўз ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда мuddатидан олдин овоз беришди. Улардан бири – Жиззах шаҳрининг Турон маҳалласида истиқомат қилувчи Лайло Сатторова хорижда кетаётгани сабабли мuddатидан олдин ўз фуқаролик бурчини адо этди.

– Мазкур сиёсий жараёнда фуқароларнинг фаол иштирок этаётгани уларнинг сайловга оид ҳуқуқий билимлари ошигани билан изоҳлаш мумкин, – дейди Жиззах шаҳридаги Турон маҳалласида жойлашган 15-участка сайлов комиссияси



раиси Дилфуза Шокирова. – Участка сайлов комиссиясида 2 минг 770 нафар сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 42 нафари сайловда илк бор иштирок этди. Уларнинг аксари қисми ҳудуддаги Жиззах ёнги санъат касб-хунар коллежида тахсил олади. Шу сабабли сайловга тайёргарлик жараёнида участка сайлов комиссияси аъзолари мазкур коллежда бўлиб, ёшлар ўртасида сайлов қонунчилиги тарғиботига қаратилган бир қатор тадбирлар ўтказишди. Бундай тадбирлар виллоятдаги мавжуд барча сайлов участкаларида олиб борилди.

Таъкидлаш жоизки, жойларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалга ошириши учун барча шароитлар яратилган. Турон маҳалласида истиқомат қилувчи 24 нафар кекса, ногирон ва беморлар учун кўча сайлов қутилари олиб борилди. О'зЛиДеР Жиззах вилояти Кенгаши қошида ташкил этилган ҳудудий сайлов штабиди ҳам сайлов участкаларида қўйилган 466 нафар кузатувчилар, депутатлар, партия фаоллари ўзларига ажратилган ваколатлар доирасида жараёнда иштирок этишди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Сирдарё вилоятининг барча сайлов участкалари эшиги давлатимиз мадҳияси жарангига ҳамоҳанг очилиб, юраклар ажиб фахру ифтихор ҳисси билан тўлиб тошди. Нуруний отахон ва онахонлар сайлов участкаларида эл тинчлиги ва



омонлигини тилаб дуога қўл очиди ва биринчилардан бўлиб овоз беришди. Чўлни бўстонга айлантиришга муносиб ҳисса қўшган кекса отахон онахонлар, бунёдкорлик ишларида азму шижоатни қўлдан бермай келаётган навақирон кишилар, илк марта фуқаролик бурчини бажариш учун ҳаяжон билан қадам ташлаётган йигит-қизлар, Ўзбекистоннинг янги Президентини сайлаш учун белгиланган сайлов участкаларига етиб келишди.

Айтиш керакки, Президент сайловини ўтказувчи 8-Сирдарё округ сайлов комиссияси томонидан 271 та сайлов участкасида сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари – семинар-тренинг, учрашув, турли акцияларнинг ташкил этилгани бундай фаолиққа замин ҳозирлади.

– Сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида вилоят халқ таълими, касб-хунар таълими бошқармалари ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда вилоятдаги барча таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари иштирокида ўтказилган "Менинг овозим – Ватаним келажаги" мавзусидаги ишлар танлови ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошишига туртки бўлди, – дейди 8-округ сайлов комиссияси раиси Солижон Қудратов. – Жумладан, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуруний" жамғармаси вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда жойларда ўтказилган "Мен шахсан ўзим учун овоз бераман", "Менинг оиламда ҳар бир аъзо ўз овозига эга", "Сайловчилар рўйхатида бормисиз?" мавзусидаги тарғибот-ташвиқот ишлари ўз самарасини кўрсатди. Республика Маънавият-тарғибот маркази вилоят бўлими ва миллий-маданият марказлари фаоллари билан ҳамкорликдаги "Ягона оилада" мавзусида тарғибот ишлари турли миллат вакиллари янада жипслигини, аҳиллигини таъмин-

лашга хизмат қилди.

Ўз навбатида, округ сайлов комиссияси ҳузурдаги Матбуот маркази вилоятдаги мухбирларни ва маҳаллий журналистларни тегишли тартибда аккредитациядан ўтказиб, сайлов жараёнини кенг ёритилишида муносиб ҳисса қўшди.

– Президент сайловини ўтказиш учун ташкил этилган сайлов участкалари ўртасида "Энг намунали тайёрланган сайлов участкаси" кўрик-танловининг ўтказилиши аниқ мuddа бўлди, – деди округ сайлов комиссияси раиси муовини Сайёра Удаева. – Унда Сирдарё туманидаги 11-сонли мусика ва санъат мактабидида ташкил этилган 206-сайлов участкаси биринчи ўринга муносиб деб топилди. Сайлов жараёнида илк марта овоз бераётган ўғил-қизлар, уй бекаларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Сайловда 4 минг 143 нафар сайловчи мuddатидан аввал овоз берди, биринчи марта овоз берган ёшларимиз эса 15 минг 300 нафарни ташкил этди. Ўз навбатида округ ва участка сайлов комиссиялари фаолияти билан танишган Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотлари вакиллари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилари сайловчиларнинг эмин-эркин ўз ҳақ-ҳуқуқидан тўла фойдаланган ҳолда овоз беришгани, сайловчилар учун тенг шароит яратилганини эътироф этишди.

– Ёшим етмишда, мустақиллик давридаги тарихий сиёсий воқеага яна бир қарра гувоҳ бўлаётганимга шукр қилдим, – дейди Гулистон шаҳридаги Намуна маҳалласидаги 11-сайлов участкаси сайловчиси Муҳаммадлойқот ота Абдулҳаев.

– Юртимизда Президент сайлови муносабати билан ташкил этилган барча тадбирларда биз кўзи ожизлар ҳам тўлақонли иштирок этдик, – дейди Кўзи ожизлар жамияти Сайхунобод туман бўлими раиси Жуманазар Бобобеков. – Аввало, биринчи марта бизга шунчалик эътибор қаратилиб, узимиз танлаган номзодни мустақил сайлаш имкони берилганидан мамнун бўлдик. Аввалги сайловларда сайлов қозонини ўқий олганимиз учун кузатувчи ёрдамида овоз бердик. Бу балги сайловда барча сайлов участкаларида кўзи ожиз сайловчилар учун брайль ёзувида бюллетенлар чиқарилгани бизни гоят мамнун этди.

Норинисо ҚОСИМОВА,
"XXI asr" мухбири

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Халқимизнинг ўз тақдирига бефарқ эмаслиги Андижон вилоятида бўлиб ўтган сайловда ҳам яққол намоён бўлди. Эрта тонгдан ҳамма – кекса-ю ёш қўлариди сайлов учун берилган таклифнома ва фуқаролик паспорт билан сайлов участкаларига келишди.

Ана шундай мамнунлик ва ўшқинлик овоз бериш учун сайлов участкаларига келатган ҳар бир фуқаронинг юз-қизиди акс этган. Улар нафақат фуқаролик бурчларини адо этаётганидан, балки ҳар бир одамнинг хоҳиш-иродаси инобатга олинди, ҳақ-ҳуқуқлар ҳимоя қилинадиган мамлакатда яшаётганидан хурсанд.

– Сайлов участкаларида она ва бола хоналарининг ташкил этилгани аниқ мuddа бўлди, – дейди Андижон вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтини биносида жойлашган 13-сайлов участкаси келган Нозимхон Сиддиқова. – Бу, айниқса, аёлларга қулайлик яратди. Сайлов участкаси келган ҳар бир аёл яратилган шароитдан хурсанд бўлди. Фарзандини она ва бола хонасига қўйиб, алоҳида кабинада ўзи, оиласи ва фарзандининг эртаси учун овоз берди.

Таъкидлаш жоизки, Андижон вилояти бўйича 1 миллион 851 минг 256 нафар сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 44 минг 622 нафари илк бор овоз бериш бахтига муяссар бўлди. Вилоят бўйича 773 та сайлов участкаси изчил фаолият кўрсатди.

Аъзам ҚОДИРОВ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Қиш фасли бўлишига қарамай гуллар, фавворалар ҳамда тадбиркорлар шаҳри бўлган Наманган кўчалари тонг қоронғусида ҳам ранг-баранг чироқлар ёғдусидан янада тароватли ва файзли бўлди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, вилоятда 690 та сайлов участкаси бўлиб, Президент сайловида иштирок этувчи сайловчилар сони 1 миллион 635 минг 939 нафарни ташкил этди.

Вилоят маркази бўлган Наманган шаҳрининг барча ҳудудларида катта сиёсий тадбир шукўҳи кечгача ҳукмрон бўлди.

Бобур шоҳ кўчасидаги Наманган хизмат кўрсатиш коллежи биноси. Бу ерда 79-сайлов участкаси жойлашган. Ёруғ ва шинам фойеда 2 минг 998 нафар сайловчи учун барча қулайлик яратилди. Овоз бериш кабинетлари, она ва бола, тиббиёт хоналари намунали ташкил этилди.

Эрта тонгда сайлов участкасига юзларидан нур ёғилиб турган отахон-онахонлар ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиш учун муҳим бўлган сиёсий жараёнда қатнашиш учун келишди.

Биринчилардан бўлиб "Қадамжо" маҳалла фуқаролар йиғини фаоли, фахрий педагог Маҳмуджон Кармолов овоз берди. 80 ёшни қаршилаган отахон аввало Биринчи Президентимизни дилдан ёд этиб, у киши амалга оширган буюк ишларни тилга олди. У киши асос солган фаровон кунлар давомли бўлишини истаб, эзгу ният билан Президентликка муносиб номзодга овоз берди.

– Сайлов кунини асосли сабабларга кўра шу ҳудудда бўла олмайдиган фуқаролардан 13 нафари 24 ноябрь – 2 декабрь кунлари мuddатидан олдин овоз беришди, – дейди Наманган шаҳридаги 79-участка сайлов комиссияси раиси Дилдора Раҳимова. – Шунингдек, бугун саломатлиги яхши эмаслиги ва бошқа сабабларга кўра сайлов участкасига кела олмайдиган 14 нафар кексалар, ногиронлар, бетобларнинг уйларига бориб, кўча сайлов қутидида овоз беришни ташкил қилдик. 2 нафар кўзи ожиз сайловчиларимиз брайль алифбосида ёзилган бюллетенлар билан таъминланди.

– Ўттиз йилдан бери инглиз тили фани ўқитувчиси бўлиб ишлайман, – дейди Нурия Пузанова. – Бугунги сайловга фарзандларим билан бирга келдим. Миллатим татар, фарзандларим рус миллатига мансуб. Лекин оиламизда ҳаммамиз ўзбек тилини, урф-одатларини яхши биламиз ва ҳурмат қиламиз. Биз шундай тинч ва фаровон Ватанда, 130 дан ортиқ миллат ва эл вакиллари худди бир оила фарзандларидек яшаётган жонажон юрда яшаётганлигимиздан фахрланамиз.

Кичик бизнес соҳасида эришаётган натижалари билан тенгдошлари ҳавасини тортаётган ёш тадбиркор – "Imron Textile Group" корхонаси раҳбари Исролбек Қутфиддинов Наманган муҳандислик-технология институти биносида жойлашган 5-сайлов участкасида овоз берди.

– Ёшим 25 да, мустақиллик тенгдошиман ва мен бундан фахрланаман, – дейди Исролбек. – Институтни иқтисодчи мутахассислиги бўйича битирганимга беш йил бўлди. Талабалгимда тадбиркорлик ва маркетинг сирларини кунт билан ўргандим. "Ёш тадбиркор – юртга мададкор", "Юрт келажаги", "Менинг бизнес гоям", "Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам" танловларида ўз бизнес лойиҳаларим ва ишлаб чиқарган маҳсулотларим билан қатнашиб, ғолиб бўлдим. 2011 йилда "Водий ёғоч савдо" хусусий корхонаси қошида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик тикувчилик цехи ташкил этдим. Ўтган йилларда тежалган маблағлар ҳисобидан 244 миллион сўмга хориждан замонавий тикув машиналари келтириб ўрнатдик. Корхонада дастлаб 4 киши ишлаган бўлса, бугун ишчиларимиз 70 тага етди. Ҳозир 20 дан ортиқ турдаги тайёр трикотаж маҳсулотларини экспорт қилмоқдамиз. Мен сайловда тинчлик ва тараққиёт учун овоз бердим.

Комилжон ФАЙЗИЕВ,
"XXI asr" мухбири

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Фарғона вилояти сайловчилари ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини кўтаринки кайфиятда уюшқоқлик билан ўтказишди. Ушбу сайлов жараёни доирасида халқимизга хос бўлган каттага ҳурмат, кичикка иззат, аёлга эҳтиром каби азалий қадриятларимиз руҳида бўлиб ўтди. Вилоятда 2 миллион 417 минг 891 та сайловчи рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан 74 минг 492 нафари илк марта ба бу муҳим сиёсий жараёнда қатнашдилар.

– Юртимизда ўтказилган бундай жиддий жараёнга ватандошларимнинг катта қизиқиши билан иштирок этишгани билан кўриб, демократик тамойиллар, қонун устуворлиги асосий мезонга айланган мамлакатда яшаётганлигимдан яна бир бор фахрланамиз, – дейди Нодир Ҳайдаров.

– Тадбиркорлик ривожини янги босқичга кўтариш ҳамда унинг давлатимиз тараққиётига қўшаётган улушини янада оширишга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди бағдодлик тадбиркор Файратжон Йўлдошев. – Мен ёқлаб овоз берган номзоднинг сайловолди дастурида ҳам мамлакатимизнинг халқро майдондаги иқтисодий жиҳатдан нуфузини ошириш, бунда ишлаб чиқариш салоҳиятини янада ошириш зарурлиги, пировардида эса фуқароларимизнинг фаровон турмушини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш лозимлиги яққол белгилаб қўйилган. Мен бугунги сайловда айнан мана шундек халқпарвар ва жонқуяр инсонга овоз берганимдан мамнунман.

О'зЛиДеР Фарғона вилоят Кенгаши
Матбуот хизмат

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Тошкент вилоятида ҳам демократик тамойиллар – очиклик, ошқоралик асосида бўлиб ўтди. Вилоятнинг 18 та шаҳар ва туманида ташкил этилган

878 та сайлов участкасида сайловчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Участкалар зарур жиҳозлар, алоқа воситалари, турли ахборот ҳамда маълумотлар билан таъминланди. Айниқса, сайловда биринчи марта иштирок этаётган ёш сайловчиларга овоз бериш тартиби, ушбу сиёсий жараённинг моҳияти, аҳамияти тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилди. Сайловда виллоятдан 1 миллион 911 минг 666 киши иштирок этиб, ўзлари танлаган номзод учун овоз беришган бўлишса, шулардан 45 минг 355 нафари илк марта қатнашган ёшлардир. Бу муҳим сиёсий тадбир мобайнида сайловчилар билан мулоқотда бўлар эканми, фуқароларимизда юрт келажагида дахлдорлик ҳисси юқори эканлигига гувоҳ бўлдик.

– Тадбиркорлик фаолиятимни 1993 йилда бошлаганман, – дейди Фурқат Абдуазимов. – Иштирокнинг дастлабки кунлариданоқ биз тадбиркорлар давлатимиз, ҳукуматимизнинг доимий эътиборидамиз. Эркин фаолият юритаман, ишлаб чиқарган маҳсулотимни ўзим эркин сотаман. Бугунги кунда шу даражада имконият ва имтиёзлар яратиб берилганки, буларни юрт кезган, бошқа давлатларда бориб қиёслаш имконига эга бўлган тадбиркор янада кенроқ англаб етди. Иш юзасидан дунёнинг бир қатор давлатларига қилган сафарим чоғида ҳамкорларим билан суҳбатлашиб, уларга юртимизда ишбилармонлар учун яратилган шароитлар ҳақида гапириб берганимда, юртимизга ҳаваслари ортар эди. Буларнинг барчаси, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Исрол Каримов бошлаб берган ва бугунги кунда оғишмай давом этаётган одил сиебат натижасидир.

– Сайловда О'зЛиДеРдан кузатувчи сифати-



да иштирок этапман, – дейди О'зЛиДеР фаоли, 352-сайлов участкаси кузатувчиси Дилфуза Эгамназарова. – Аҳолимиз эрта тонгдан фуқаролик бурчларини адо этиш мақсадида ўзлари танлаган номзодга овоз бергани келишди. Участкамизга хорижлик халқро кузатувчилар ташриф буюриб, одамларимиздаги фаолиқ, уюшқоқлик, мамлакат келажагига бефарқ эмасликларидан кўнгиллари тўлди.

– Германия, Хитой, Қозғистон ва Корея Республикаларидан келган хорижлик халқро кузатувчилар туманимиздаги 66 та сайлов участкасининг айримларида бўлишди, – дейди О'зЛиДеР Қўрай тумани Кенгаши раиси ўринбосари Зарофат Мухамедова. – Туманимизда сайловда иштирок этаётганларнинг 2 минг 472 нафарини 18 ёшга тўлган ёшлар ташкил этади. Уларнинг фаоллиги, хорижлик кузатувчилар билан инглиз тилида эркин мулоқотда бўлиши меҳмонларни ҳайратлантирди. Айниқса, ёшларнинг кекса сайловчилар, ёш болали ота-оналарга ўзбекна хурмат-эҳтиромининг гувоҳи бўлган халқро кузатувчилар бундай бағрикенглик, одоб-ахлоқ фақат бизнинг юртдошларимизга хослигини, бундан ўрнат олса арзишини таъкидлашди.

– Ёшим 80 дан ошди, – дейди Мамлакат ая Абдуазимова. – Кўп йиллар деҳқончилик қилганман. Шу кунларга етказганига шукр, замонадан айланай. 8 нафар фарзандимнинг барчаси уйли-жоили, топарман-тугармон. Бири ишчи, бири тадбиркор. Фарзандларим ва 18 ёшга тўлган 27 нафар набираларим эрта тонгданоқ сайлов участкаларига бориб, овоз бериб келишди. Соғлигим тўфайли сайлов участкасига чиқа олмадим, шу боис уйимдан туриб мен ҳам ўз бурчимни бажардим.

Шу кун виллоятдаги мавжуд 812 та сайлов участкасида Президент сайлови кўтаринки руҳда ўтди. Вилоят сайлов комиссияси томонидан келтирилган маълумотлар бўйича жами 18 та шаҳар ва туманлардаги сайлов участкаларида сайловни ўтказиш билан боғлиқ қонунбузилиши ҳолати қайд этилмади.

Зиёдулла МҮМИНОВ,
"XXI asr" мухбири

Надежда МИНАСЯН:

Фуқаролик бурчимни адо этдим

— Мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро миллати, динидан қатъи назар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Бу Конституциямизда белгиланган кўйилган.

Мен ҳам кеча эрта тонгданоқ сайлов участкасига опланаётганимда неварам ҳам қизиқсиниб менга эргашди. Унга, қолғалар, катта бўлганида сен ҳам сайловларда иштирок этасан, десам ҳам унамади. Мана биргаликда ўзим муносиб деб билган номзодга овоз бердим. Очиги, танлаган номзодимнинг сайловолди дастури қарашларим ва орзуларимга ҳаммоҳанглиги эътиборимни тортди.

Бугунги кунда диверимизда 130 дан ортиқ миллат ва эллик вакиллари ҳамжиҳатликда, тинч-тову ҳаёт кечирмоқда. 137 та миллий маданий марказлар, 16 та диний конфессияга мансуб 2 млн 200 дан ортиқ диний ташкилотлар фаолият юрятапти. Толерантлик асрлар оша қадриятларимизнинг ажралмас қисми бўлиб келган. Номзод ўз дастурида улар ўртасида ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатларни ривожлантириш, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлашни энг муҳим вазифалар сирасига киритганлиги менга маъқул бўлди.

Солижон ЗОИРОВ олган сурат



МУНОСАБАТ

Суднинг холислиги таъминланади

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан мамлакатнинг барча соҳалари каби суд-ҳуқуқ тизими босқичма-босқич ислоҳ қилинди. Суд ҳокимиятининг ҳуқуқий ҳимоя вазифаси энг аввало, Конституциямиз, шунингдек, “Судлар тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги қонунлар ва мавжуд кодексларимизда мустаҳкамланди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2016 йил 21 октябрда имзолаган “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон бу борадаги ислохларни янада юқори босқичга кўтарди, десак муболага бўлмайди. Маълумки, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохларнинг пировард мақсади ҳам жамиятда адолатли ҳолда қабул қилишга қарши, адолатли жамият қуриш! Номи қайд этилган ҳужжат ҳам айнан шу мақсадларга, яъни ҳаётдаги, қонунларни қўллаш амалиётидаги жиддий тўсиқ ва қарама-қаршиликларни бартараф этишга қаратилган.

Амалдаги “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 63-моддасида судьялик лавозимига беш йил муддатга тайинлаш белгиланган бўлиб, судьянинг кейинги фаолияти, яъни, уни қайта судьяликка тақдим қилиниши масаласи суд раисларининг фикри билан амалга ошарди. Бу эса судьяларнинг юқори лавозимдаги судьяга қарам бўлиши, қарорларни мустақил эмас, аксинча, суд раиси билан келишган ҳолда қабул қилишга мажбур бўлиши, юқори судларнинг қуйи судларга таъсир ўтказишига олиб келатган эди. Бу эса суднинг холислиги принципларининг бузилишига олиб келар эди.

Фармоннинг 2-бандида эса судьялик лавозимига биринчи марта беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз даврга тайинлаш (сайлаш) ни назарда тутувчи тақлифлар маъқулланиши белгилангани эса бундай ҳолатларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Энг асосийси, судьяларнинг ўзига ишончи пайдо бўлишига, ҳеч кимга қарам бўлмастан, мустақил, фақат қонунга асосланган ҳолда ишни қўришига имконият туғдиради. Бу эса халқаро

амалиётда мавжуд бўлган суд ва судьяларга қўйилган талабларга тўлиқ мос келади.

Фармоннинг 3-банди еттинчи хатбошисига кўра, терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳома-маси жараёнида тўлдирishi механизми жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишнинг қўшимча тергов юритишга қайтариш институти бекор қилинди. Бундай катта ўзгаришларга олиб келадиган янгиликка зарурат мавжуд эди. Чунки, амалдаги Жиноят процессуал кодексининг 23-моддасига кўра айбдорликка оид барча шубҳалар башарти уларни бартараф этиш имконияти тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим.

Дастлабки суриштирув ва тергов органи жиноят содир этган шахсга айб эълон қилишда унинг ушбу жиноятни содир қилишдаги айбдорлигини (айбсизлигини) албатта исбот қилиб бериши шарт, чунки айбсизлик презумпциясига кўра, суднинг чиқарган айб-лов ҳукми қонуний кучга кирмагунча айбланувчи айбдор деб ҳисобланмайди. Гумон қилинувчи ёки судланувчи айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги ҳам мазкур моддада белгиланган бўлса-да, жиноят содир этган шахсининг айбдорлигини исботлаш мажбурияти Жиноят процессуал кодексининг 86-моддасига кўра терговчи, суриштирувчи, прокурор ва судга юклатилган.

Мана шу мажбуриятдан келиб чиқиб, суд амалдаги Жиноят процессуал кодекс талабига кўра суриштирувчи ва терговчи томонидан қонун талаблари бузилгани ҳолати мавжуд бўлса-да жиноят ишнинг қўшимча тергов юритиш учун қайтариши амалиёти мавжуд эди. Ушбу қонун нормасида зикр этилган шахсининг айбдорлигини исботлаш вазифаси бевосита судга ҳам юклатилгани, одил судловнинг суд томонидан амалга оширилиши принциплари эид эди.

Бу ҳолат эса Ўзбекистонда оқлов ҳукмлари йўқлигига олиб келди. Жиноят ишида шахсини айблаш учун далилларнинг етарли эмаслиги аниқланганда суд оқлов ҳукми чиқариш ўрнига жиноят ишнинг қўшимча тергов юритиш учун қайтариши тергов ва суриштирув органига ўзларининг йўл қўйган хато, камчиликларини хаспўшлаш, бартараф этиш имкониятини яратиб берарди. Натижада қонун талаблари бузилган жиноят ишларининг қайта-қайта судга чиқарилиши ва бу борада айбдор шахсларнинг жазага тортилмаслиги ҳолатлари юзага келади. Ваҳоланки, қонунларимизда айбсиз кишини жавобгарликка тортиш, адолатсиз ҳукм ёки қарор чиқарганлик учун жиддий жавобгарлик белгиланган.

Терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳома-маси жараёнида тўлдирishi механизми жорий этиш орқали суд томонидан жиноят ишнинг қўшимча тергов юритишга қайтариш институти бекор қилиниши, ўз навбатида, тергов ва суриштирув органиларнинг ўз ишига жиддий, масъулият билан ёндашиши, асоссиз айбловлар қўйилишининг олди олиниши, шахсининг айбдор-

лигини исботловчи далиллар етарли бўлмаса, уни оқлаш тўғрисида ҳукм чиқарилиши ва натижада суднинг том маънодаги ҳимоя вазифасини амалга оширишига тўлиқ имконият яратилди.

Фармоннинг 3-бандида яна бир-бирдан муҳим аҳамиятга эга бўлган жиддий янгиликлар ўз аксини топган. Хусусан, вилоят даражасидаги судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини назорат тартибиде қўриб чиқиш институти тугатилиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибиде протест келтириш бўйича ваколатлари бекор қилиниши, Олий суд Пленумининг ишларни назорат тартибиде қўриб чиқиш бўйича бир-бирини тақрорловчи ваколатлари бекор қилиниши каби ўзгаришлар суд мустақиллиги тўлақонли таъминлишига асос яратди. Чунки, суд ҳокимиятининг мустақиллиги деганда, унинг нафақат қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан мустақиллиги, балки прокуратура органи ва ўзидан юқори турувчи судлардан ҳам мустақил тарзда фаолият юритиши, ишнинг маъмуни қўриб ҳал қилишда фақат қонунга бўйсунуши тушунилади.

Юқори турувчи судларнинг назорат тартибиде протест келтириш ваколати ҳам судьяларнинг юқори лавозимдаги судьяга қарам бўлиши, қарорларни мустақил қабул қила олмаслиги, суд раиси ёки юқори турувчи суд билан келишган ҳолда қарор қабул қилишга мажбур бўладиган вазиятга олиб келар эди. Ишнинг маъмуни қўришда иштирок этмаган юқори турувчи суд бир томонлама фикр билдириш, назорат тартибиде протест келтириши юқори судларнинг қуйи судларга таъсир ўтказиши ва оқибатда холислик принципларининг бузилишига олиб келар эди.

Судларда қўрилган ишларнинг қонун вазифасини юзасидан шикоят бериш институти келтириш учун апелляция ва кассация институтининг мавжудлиги бу борада манфаатдор тарафларнинг ҳақ-ҳуқуқлари таъминлиниши учун етарли бўлган механизмлардан иборат. Ҳужжатга асосан киритилаётган бу ўзгаришлар суднинг том маънодаги мустақиллигига шароит яратди.

Фармоннинг қолган барча бандлари ҳам бугунги кундаги амалиётда мавжуд бўлган жуда катта муаммоларни ҳал қилиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга қаратилган.

Ўз навбатида мазкур ҳужжат асосида “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури” тасдиқланди. Унга асосан яқин ва узоқ муддатли аниқ чора-тадбирлар, уларни амалга оширувчи мута-садди вазирлик ва идоралар, амалга ошириш усули ва муддатлари белгиланди.

Уйлаймики, мазкур муҳим ҳужжат Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқий нормалардаги инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг суд томонидан ҳимоя қилинишига мустаҳкам замин яратди.

Шоира УМАРОВА,
юридик фанлар номзоди

ЭЪЛОН

“КО‘СНМАС MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Савдога Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли қарори ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг 2016 йил 26 ноябрдаги 03/2378-сонли ва Қашқадарё вилояти Архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг 2016 йил 21 ноябрдаги 2-11/49-сонли алоқа хатларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи кўйилмоқда;

1. “Минимаркет” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Бешбулок” МФЙ худудидан 40 кв. метрдан иборат 1-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ушбу ҳуқуқнинг минимал қиймати – 33 500 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 70 000 000 сўм.

2. “Компьютер хизматлари ва таъмирлаш устанонаси” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Бешбулок” МФЙ худудидан 40 кв. метрдан иборат 2-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 33 500 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 50 000 000 сўм.

3. “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Бешбулок” МФЙ худудидан 1 100 кв. метрдан иборат 3-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 919 950 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 90 000 000 сўм.

4. “Минимаркет” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Бешбулок” МФЙ худудидан 40 кв. метрдан иборат 4-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 33 500 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 70 000 000 сўм.

5. “Канцелярия моллари дўкони” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Бешбулок” МФЙ худудидан 2 500 кв. метрдан иборат 5-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 20 100 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 65 000 000 сўм.

6. “Қурилиш моллари дўкони” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Бешбулок” МФЙ худудидан 2 500 кв. метрдан иборат 6-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 2 090 750 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 100 000 000 сўм.

7. “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Бешбулок” МФЙ худудидан 504 кв. метрдан иборат 7-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 421 500 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 90 000 000 сўм.

8. “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Бешбулок” МФЙ худудидан 504 кв. метрдан иборат 8-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 421 500 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 90 000 000 сўм.

9. “Савдо дўкони” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Бешбулок” МФЙ худудидан 1 000 кв. метрдан иборат 9-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 836 360 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 100 000 000 сўм.

10. “Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Бешбулок” МФЙ худудидан 900 кв. метрдан иборат 10-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 752 700 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 100 000 000 сўм.

11. “Саргарошона” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Ингичка” МФЙ Каттақишлоқ қишлоғи худудидан 24 кв. метрдан иборат 11-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 20 100 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 50 000 000 сўм.

12. “Тикувчилик цехи” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Ингичка” МФЙ Каттақишлоқ қишлоғи худудидан 24 кв. метрдан иборат 12-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 20 100 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 50 000 000 сўм.

13. “Гузалик салони” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Ингичка” МФЙ Каттақишлоқ қишлоғи худудидан 24 кв. метрдан иборат

13-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 20 100 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 50 000 000 сўм.

14. “Ҳўжалик моллари дўкони” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Ингичка” МФЙ Каттақишлоқ қишлоғи худудидан 20 кв. метрдан иборат 11-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 40 200 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 55 000 000 сўм.

15. “Гўшт дўкони” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Ингичка” МФЙ Каттақишлоқ қишлоғи худудидан 20 кв. метрдан иборат 15-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 16 750 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 50 000 000 сўм.

16. “Минимаркет” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Ингичка” МФЙ Каттақишлоқ қишлоғи худудидан 20 кв. метрдан иборат 16-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 16 750 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 50 000 000 сўм.

17. “Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Оқработ” ҚФЙ Оқработ қишлоғи худудидан 360 кв. метрдан иборат 17-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 301 100 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 60 000 000 сўм.

18. “Маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Бўстон” МФЙ худудидан 180 кв. метрдан иборат 18-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 150 550 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 70 000 000 сўм.

19. “Футбол майдончаси ва машғулотлар зали” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Деҳқонobod” ҚФЙ худудидан 1 500 кв. метрдан иборат 19-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 1 254 450 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 90 000 000 сўм.

20. “Автомобилларга жузъий хизмат кўрсатиш шохобчаси” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Пахтачи” МФЙ худудидан 600 кв. метрдан иборат 20-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 501 800 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 65 000 000 сўм.

21. “Ошхона” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Пахтачи” МФЙ худудидан 480 кв. метрдан иборат 21-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 401 450 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 55 000 000 сўм.

22. “Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Гумбулок” МФЙ худудидан 360 кв. метрдан иборат 22-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 301 100 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 70 000 000 сўм.

23. “Қурилиш моллари дўкони” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Гумбулок” МФЙ худудидан 800 кв. метрдан иборат 23-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 669 050 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 50 000 000 сўм.

24. “Балиқчилик сув ҳавзаси ва савдо дўкони” объекти қуриш учун Қашқадарё вилояти, Деҳқонobod тумани, “Бощоробот” ҚФЙ Чукун қишлоғи худудидан 1 580 кв. метрдан иборат 24-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати – 1 321 360 сўм. Қурилиш муддати – 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари – 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 60 000 000 сўм.

25. “Автомобилларга жузъий хизмат кўрсатиш шохоб-

МОҲИЯТ



Аҳмаджон МЕЛИБОВЕВ,
публицист ёзувчи:

нинг ҳа-ху демай муомаладан чиқиши, уларнинг ўрнини интернет эгаллаши ҳақида тинимсиз гапирилмоқда. Бундан икки-уч ой аввал телевиденимиз ток-шоуларидан бирида ёш йигит "Яқин орада қоғоз китобларга ҳожат қолмайди" дея башоратгўйлик қилди. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, шу йигитни тасодифан кўчада кўриб қолдим. Танишдик, ҳали уйланмаган экан. Мен унга: "Бирор қизга ошиқ бўлиб, Мажнун кўйига тушсангиз-да, у ҳам сизга етишолмай адоий тамом бўлай деганида омад икковингизга кулиб боқиб, пана-паскамроқ жойда учрашиб қолсангиз, бир-бирингизни бағрингизга босганингиз яхшими ёки ойна ортида туриб, имо-ишора билан севги изҳор қилганингиз дурусти?" деган савол бердим. Ёш суҳбатдошим биринчи ҳолатни танлади. "Укажон, қоғоз китоб сиз танлаган ўша ҳолатнинг ўзи, компьютерда китоб ўқиш эса

– Кишлоғимизда Туманбой оға деган хокисор бир киши бор эди. Бутун умри далада кетмон чолиб ўтган, ҳатто ўзидан кичиклар иш буюрса ҳам "хўп" деб бажарадиган, тўқсон йил умр кўриб, бирор марта бўлсин, асл "мен"ини ошкор қилмаган бу одам бир йилги кишлоқ пойидаги Ўнғортоққа кўтарилибди, тоғнинг нариги ёғидаги кишлоқларга кўзи тушиб, бирдан қалбини ваҳима босибди. Кулбасига қайтиб келиб, "Вуй, тоғнинг орқасида ҳам одамлар яшар экан", деб кўни-кўшнилари кўнглига ҳам гўлгула солибди...

– иккинчиси", дедим. Бу, албатта, юмор. Лекин компьютер имкониятларининг кенгайиши ноширлик соҳасига ҳам кучли таъсир ўтказмоғи аниқ. Бироқ... яққоҳумронлик қайси соҳада бўлмасин, тараққиётга, яхшиликка хизмат қилмайди. Шу маънода, кундалик газеталарнинг бутунлай йўқ бўлиб кетишини хохламайман, бундай бўлишига ишонмайман ҳам. Бу ишонч, балким, менинг газетага бўлган алоҳида меҳримдир.

Хуррият одимларини баҳолаш учун тоққа чиқиш шарт эмас, ҳаммаси кўз ўнгимизда, ўз иштирокимизда, онг-шууригимизда кечмоқда. Навқирон умрга тенг бир фурсат ичида дунё харитасида мақсад-муддаоси аниқ, кўзлаган манзили тайин, жаҳон ҳамжамиятини маънавий-ахлоқий қадриятлари билан безашга қодир янги давлат қад ростлади. Энг катта ўзгариш – халқимизда ўзига нисбатан буюқ бир ишонч пайдо бўлди. "Элик йилда эл янги бўлар" деган гап бор. Ўзбекистон мисолида бу мuddат икки барабар қисқарди десак, муболага эмас.



...Башоратчиларга ишонадиган бўлсак, Ер шари аллақачон кўкунга айланиб, ҳаёт сўнган, қоғоз газеталар учун обуна ташкил этишга ҳожат қолмаган бўлар эди. Бу вақтлар телевидение ихтиро қилинганда мутахассислар "Театр санъатининг кунни битди, энди одамлар уйда экранга тикилиб, спектакль томоша қилишади", дея кўпчиликини ишонтирган. Амалда эса тескариси бўлди: сахна санъати кучли рақобатга дуч келганига қарамай, гуриллаб ривожланди. Бугун босма қоғоз махсулотлари – китоб, газета ва журнал-

ча, босма ва электрон нашрлар ўртасида кучли рақобат, ижодий мусобақа юзага келиши мумкин. Бордию шундай бўлса, бунга деярли ишончим қомил, бундан ҳар икки томон ҳам ютади. Фақат... биз дўпини бошдан олиб, бу рақобатга жиддий ҳозирлик кўришимиз керак. Акс ҳолда...

"Тафаккур" журнали, 2016

...Уларнинг ўзларидан сайланган рақибар би ботиқлар, ҳоқими мушак бўлмайдди. Улар одамлар ишдан кўтарилаётган, сўзлаётган, аял олганда, рақибарини лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай рақибарлар ўз сайловчиларини шўна савобликка чиқарадилар, уларни ташқи дунядан муҳофаза қиладилар. Бундай рақибарлар ҳаммага баробар муносабатда бўладилар, ҳатто ҳаммагизга маънавий ўзгаришга маънавийларидан ортиқ кўрадилар, ушунинг маънавий учун ўзларининг шахсий маънавийларидан кечадилар, ҳақ маънавий учун ўзларидан куч-қувват са бойлиқларини аямайдилар.

Абу Наср ФОРОБИЙ

“JO SMART ADVICE” МЧЖ

тренинг компанияси тақдим этади!

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР!

БИЗНЕС ТРЕНИНГ:

“НОЛДАН 3 000 000 СЎМГАЧА БИЗНЕС ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН 6 МУҲИМ БОСҚИЧ”.

УШБУ ТРЕНИНГ КИМЛАР УЧУН?

- ✓ коллеж битирувчилари;
- ✓ олий ўқув юрти талабалари;
- ✓ бизнес бошلامоқчи бўлган ёшлар;
- ✓ кредит олишни режалаштираётганлар.

ТРЕНИНГДА ИШТИРОК ЭТГАЧ:

- Сиз бугунқад тadbirkorликни бошлаш учун жиддий қарор қабул қилиб, илк қадамни ташлайсиз.
- Бошланғич бизнесингизни ташкил этишининг мукаммал режасига эга бўласиз.
- Сармоясиз даромадли тadbirkorлик бошлашининг ҳақиқий имкониятлари ҳақида билиб olasiz.
- Бизнес ва ҳаётингизда нималарни орзу қиласиз? Уларни реал мақсадга айлантириб, тўсиқларни енгиб ўтиш учун 7 муҳим қадам нималигини биласиз.
- Энг асосийси, тренингда ўрганган 6 босқичдан унумли фойдалансангиз, биринчи ойдаёқ киритган даромадингиз камида 1 000 000 – 1 500 000 сўмни ташкил этади.
- 99 фоиз қафолат биздан, атиги 1 фоиз қизиқиш сиздан!

ТРЕНЕР ЖАВЛОНБЕК ОТАХОНОВ:

бизнес маслаҳатчи, юқори мақсадлар ва ишни дадил бошлаш сарируҳлантурувчи психолог, халқаро миқёсдаги ўнлаб номдор бизнес тренерлар – Браян Треси, Бодо Шефер, Жаск Кеңфилд, Николай Мрачковский, Михаил Дашкиевдан сабоқ олган. Минглаб ёшлар эътиборини қозонишга улгурган.

Тренинг ўтказиш вақти: 2016 йил 18 декабрь яшанба кунни соат 8:30 дан 16:30 гача. (Тушлик ва кофе-брейк).

Мазил: Тошкент Молия институти. Мўлжал Минор метро бекати.

Шошилинг! Ўринлар чекланган!

АКЦИЯ!

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллиги муносабати билан байрам кунига мурожаат эптувчилар чипталарни 75 фоиз чегирмада сотиб олишади.

Батафсил маълумот учун куйидаги рақамларга кўнгириқ қилина:

(+99890) 132-88-00; (+99891) 134-88-00; (+99891) 164-96-73

Хизматлар лицензияланган 16-08

РЕКЛАМА



Ҳурматли юртдошлар!

“Асака” банк жамоаси

Сиз азизларни яқинлашиб келаётган мамлакатимиз Конституцияси кунни байрами билан чин юракдан муборакбод этади!

Сизга тинчлик, омонлик ва муваффақиятлар тилаймиз!

Байрам муносабати билан куйидаги миллий валютадаги мuddатли янги омонат турини таклиф этамиз:

“КОНСТИТУЦИЯ-2016”

Ушбу омонатнинг сақланиш мuddати 2 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, “Асака” банк миллий валютада 28 турдаги ва хоржий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефонлар	Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш-фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтирингизда!
- миқдори чекланмаган!

“Асака” банк – сармоянгизнинг сақланишини ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган 16-9

РЕКЛАМА

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

ZAZ

ZAZ Forza, дв: 109 л.с. – бензин/газ

SUPER-AVTO

Нива Бизнес – пикап, 4x4, дв: 80,92 л.с. – бензин/газ

Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТКАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Шота Руставели кўчаси, 113-уй.
Мулжал: Жанубий вокзал. Телефонлар: (+99871) 215-09-11, 250-23-93.

www.sardor-avto.uz

Махсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI –
O‘ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

ASR
IJTIMOIV-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бosh мухarrир: Норкобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Содиқжон ТУРДИЕВ	Кувондиқ САНАКУЛОВ
Дилшод ШОУМАРОВ	Тўлқин ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ	Алдам ШОДМОНОВ
Абдумажид КАРИМОВ	Расул КУШЕРБАЕВ
Алишер ШАЙХОВ	Виктор ПАК
Икбол МИРЗО	Бегмат ОЧИЛОВ

Тахрират манзили:
Тошкент шаҳри,
Нукус кўчаси, 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz

Телефонлар:
кабулхона – 215-63-80
(тел./факс).
Котибият – 281-40-17
Реклама ва шартнома-
лар бўлими – 215-60-45,
255-68-50

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 8 апрелда 10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми – 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г – 1266 Тираж: 861
Баҳоиси келишилган нарҳда.
ЎзА якуни – 23-00
Топширилди – 04-00

Тахриратта келган кўйималар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларда маъба сифатда газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас.

Газета тахрират компьютер марказида термиди ҳамда дизайнёр Маъруфжон Раҳмонов томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X

9 772181 497009

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи мухarrирлар:
А. МУЗАРФАРОВ, С. ЮНРОВ